



Schweizerische Eidgenossensch.
Confédération suisse
Confederazione Svizzera
Confederaziun svizra



Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссиясининг
Илмий-ахборот маркази (НИЦ МКВК)

“Фермер хўжаликлари даласида сув махсулдорлигини ошириш” лойихаси

Агромелиоратив бюллетень

Апрель ойида далада олиб бориладиган агротехник тадбирлар



SIC ICWC

IWMI
INTERNATIONAL WATER
MANAGEMENT INSTITUTE

Фарғона – 2010 йил

Суғориладиган ерларда экилган бошоқли дон экинларини апрель ойида парвариш қилиш учун тавсиялар

1. Озиқлантириш

Суғориладиган ерларда интенсив технология асосида гектаридан 70-75 центнердан дон етиштиришда кузги ғалла экинларини вегетация даврида озиқлантириш асосий ҳал қилувчи омиллардан биридир.

Кузги ғалла экинларини биологик хусусиятларига, тупроқ унумдорлигига ва режалаштирилган ҳосилга қараб табақалаштирилган ҳолда ўғит берилади. Кузги буғдой ва арпа экинларидан 10 центнер дон етиштириш учун тупроқдан гектарига ўртача 30-35 кг азот, 12-14 кг фосфорли ва 5-6 кг калий миқдорини ўзлаштиради.

Шу сабабли ҳар гектар ердан 70-75 центнердан буғдой ҳосили етиштириш учун йиллик ўғит нормаси соф ҳолда 210-230 кг. дан азот, 85-100 кг. дан фосфор ва 100 кг. дан калий бериш белгиланади.

Маълумки феврал ва март ойларида ғалла экинлари деярли ики марта ўғитланади. Биринчи ўғитлаш асосан асосан ғаллани туплаш даврида, эрта баҳорда йиллик меъёрнинг 25 фоизини бериш зарур (физик ҳолда бир гектарга 150-160 кг. дан азотли, 40-50 кг. дан соф ҳолда фосфорли ўғитлар) берилади, иккинчи ўғитлаш ғалланинг найчалаш фазасида яъни март ойида ҳар гектарига йиллик меъёрнинг 40 фоизи, яъни физик ҳолда ҳар гектарига 300-320 кг миқдорида берилади.

Апрель ойида эса буғдойни учинчи марта ўғитлаш зарур. Буғдойни учинчи марта ўғитлашда белгиланган йиллик нормадаги азотли ўғитларнинг умумий нормасидан биринчи ва иккинчи марта ўғитлаш даврида берилган ўғит миқдорини чегириб ташлаб, қолган миқдори берилади.

Масалан: биринчи ўғитлашда ҳар гектар ерга 60 кг. дан, иккинчи ўғитлашга 80 кг. дан соф ҳолда азот солинган бўлса, белгиланган умумий йиллик азот ўғити нормаси 210 кг гектар бўлган ҳолда ($60+80=140$ кг/га), учинчи ўғитлаш учун қолган ўғит миқдори :

$210-140=70$ кг/га ҳисобланади. Демак учинчи марта буғдойни ўғитлаш учун ҳар гектар ерга 70 кг дан соф ҳолда азотли ўғит бериш лозимдир. Буғдой учинчи марта ўғитлашда буғдойни ўсиб кетганлигини ҳисобга олиб уни пайхон қилмаслик учун қўлда сепилади.

2. Суғориш

Маълумки апрел ойида буғдой хавони исиши, намлик ва озуқа моддаларининг етарли бўлганлиги сабабли жуда тез ўсади ва апрель ойининг 16-18 кунларига бориб, ёппасига бошоқлай бошлайди.

Шу сабабли апрель ойида буғдой экилган далаларда тупроқдаги намлик дала сифимининг 70-75 фоизидан кам бўлмаслиги зарур.

Бу ўз вақтида апрел ойида буғдой экилган далаларнинг тупроғини механик таркибига қараб (қум, қумли, енгил қумоқ, ўрта қумоқ, оғир қумоқ ва х.) суғориш сони ва нормаларини турлича бўлишини тақозо этади. Умуман ўртача апрель ойида белгиладиган суғориш сони 2-3 марта, суғориш меъёри эса 650-800 метр куб қилиб белгиланса мақсадга мувофиқ бўлади. Буғдойни суғориш давомийлиги 8-10 соатдан ошмаслиги зарур акс ҳолда ўғитлаш учун берилган азот сувда эриб сув билан биргаликда дала ташқарисига чиқиб кетади ва уни фойдаси камади.

3. Бегона ўтларга, зараркундаларга ва касалликларга қарши кураш

Бегона ўтлар тупроқдаги моддаларни ва намликни ўзлаштириб, ғалла экинларини нормал озикланишига имкон бермай қўяди, ҳосилни кескин камайтириб юборади ва ўрним даврида комбайнлар ишига салбий таъсир этади.

Апрель ойида ғалла майдонларида ўсувчи ёввойи ўтларга қарши, қарши ўтказиладиган агротехник тадбирлардан бири далани бегона ўтлардан тозалашдир. Кимёвий усуллардан бири ёввойи ўтларни йўқотишда ҳозирги кунларда буғдойни туплаш фазасидан то найчалаш давригача хар гектар ерга 15-20 гр. дан Гранстар ДФ 75К препаратини 300-400 литр сувда эритиб, буғдой майдонларига сепилади. Бу химиявий препарат ғаллазорда мавжуд бўлган шўра, олабута, қоромут, жағ-жағ, семиз ўтнинг ёввойи турини, ғумай каби бегона ўтларни йўқотади. Шунингдек Баневал (0,3-0,4 л/га), Сатис (150 гр. га), Парднер (1,5 л. га), Старане (0,75-1,0 л/га) препаратлари ҳам туплашдан найчалаш давригача қўлланилганда юқорида келтирилган бегона ёввойи ўтларни йўқотади.

Бошокли дон экинлари зараркундаларига қарши кураш учун қўлланиладиган препаратлар

Препаратлар номи	Сарфлаш миқдори, л/га	Зараркунда номи	Ишлатиш муддатлари	Экин тури
Бенюфосфат-30% эм.к	1,6-2,3	Шира, ўтлоқ парвонаси	Ўсимликнинг ўсув даврида	Буғдой
Золон – 35% эм.к	1,5	Шира, шиллик курт, ўтлоқ парвонаси	Ўсимликнинг ўсув даврида	Буғдой Арпа
Булдок – 2,5% эм.к	0,5	Хасва, Шиллик курт	Ўсимликнинг ўсув даврида	Буғдой Арпа
Суми - альфа -5 %	0,2-0,3	Хасва, Ғалла пашшаси	Ўсимликнинг ўсув даврида	Буғдой Арпа
Карате – 5 % эм.к	0,15-0,2	Хасва, Шира, Трипс, Бургалар	Ўсимликнинг ўсув даврида	Буғдой Арпа

Чигит суви зарурми ?

Дехқончиликда ҳосилнинг онаси ер, отаси сув хисобланади. Қишлоқ хўжалик экинлари, хусусан пахтачиликда мўл ва сифатли ҳосил етиштириш, кўп жихатдан сув билан етарли таъминланишига боғлиқ. Юртимизга яъна баҳор келиб, пахтакору - соҳибкорлар учун амал даври бошланди. Вилятимизнинг барча худудларида пахтакорлар улкан орзу ниятлар билан ерга чигит уруғи қадамоқдалар. Пахта экилган хўжаликларда бўлиб, аксарият ерларда экилган чигитлар ернинг ўз намига ундириб олинганини кўриш мумкин. Бу ерларда қийғос униб чиққан ғўза кўчатлари кишини завқини келтиради. Айрим жойларда эса чигит униб чиқмаётган пайкалларни ёки чигит суви берилмаётган майдонларни кўриш мумкин.

Хўш чигит суви ўзи нима учун берилади, у зарурми?. Тажрибали дехқонлар хар дойим баҳорги об-ҳавони кулай пайтидан унумли фойдаланади. Чигитни ернинг етилиши ва унинг нами кетмасдан экиб, ернинг ўз намига ундириб оладилар. Албатда бунинг учун дехқонда керакли техникалар, уруғлик чигит ва ишчи кучлари етарли ва шай ҳолда туриши керак. Турли сабаблар билан чигит экиш вақтида бажарилмаса, ердаги нам қочиб, чигитнинг униб чиқиши учун намлик етарли бўлмай қолади. Агар чигит куруқ тупроқда кўп туриб

қолса чигитдаги намлик тупроққа ўтиб, чигит қуриб, нобуд бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда зудлик билан чигит суви бериш зарур.

Чигит суви бериш ўта масъулиятли тадбир бўлиб уни ўтказиш учун тажрибали сувчилар ажратилади. Эгатларда сувни жилдиратиб оқишини таъминлаш, сувни бир эгатдан бошқа эгатга ўтиб кетиши, қўллаши ва пуштани сув босишига йўл қўйилмаслик лозим. Чигитни бир теккис униб чиқиши учун чигит сувини гектарига 400-500 метр куб меъёрдан оширмаслик яхши натижа беради. Чигит суви мажбурий сув ҳисобланади. Агарда бу сувни катта меъёрда берилса, тупроқ қатламини совутиб илдиз чириш касаллигини келтириб чиқаради. Чигитни униб чиқишини қийинлаштиради. Чигит суви берилган далалар етилиши билан қатор оралиғига кечиктирмасдан ишлов бериш керак, шунда тупроқда нам узок муддат сақланади. Чигит сувини сифатли ўтказиш, суғориш пайтида далани бир хилда намланиши, эгат учун танланган сув сарфи ва эгат узунлигига боғлиқ. Кўндаланг ўқ ариқлар сони ва уларни жойлаштириш суғориладиган даланинг узунлигига, нишаблигига, рельефига ва тупроқ шароитига қараб белгиланади.

Тупроқ қатламининг сув ўтказувчанлиги, сув қўйиш давомийлиги, суғориш меъёрлари ва эгатлар нишаблиги каби омиллар эгат узунлигини танлашда ҳисобга олиниши шарт. Сув ўтказувчанлиги юқори ва нишаблик катта бўлса эгат узунлиги 40-50 метр белгиланади. Агар нишаблик кичик ҳамда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги паст бўлган ерларда эгатлар узунлиги 60-80 метр белгиланади. Бундан ташқари, ғўза майдонларида экиш схемасига қараб эгатлар узунлиги 50-60, 60-80 метр қилиб белгиланиша ҳам мумкин. Ҳар бир фермер бу масалага ўта масъулят билан ёндашиб, чигит суви берилётган вақтларда шахсан ўзлари иштирок этишлари ва суғориш ишларини назорат қилиб боришлари лозим.